Тошкент фестивали биз учун шу жиҳатдан муҳимки, жаҳоннинг уч қитъасидаги экран усталарини меҳмонга чақириш билан бирга ўзбек киносанъаткорлари эришган ютуқлар, халқимиз социалистик қурилишнинг барча жабҳаларида, фан ва маданиятни ривожлантиришда эришган натижалар ҳақида ҳиқоя қилиб бериш имконига эгамиз. Бу ерда жаҳоннинг таниқли кино арбоблари билан бўладиган ижодий учрашувлар ва суҳбатлар, бахсмунозаралар эндиликда киносанъаткорлар олдига давр кўндаланг қўяётган вазифалар ва муаммоларни биргалашиб ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу суҳбатлар биз кино ходимларини ўз ютуқ ва камчиликларимизни янада теранроқ кўра олишимизга, халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш учун арзийдиган бадиий мукаммал асарлар яратишга даъват этади. Кинонинг таъсирчан кучи, у илгари сураётган ғоявий мақсад яратилган образлар орқали рўёбга чиқар экан, биз чуқур психологик тахлилга бой, ўзида халқ тақдири ва умуминсоний туйғуларни мужассамлаштирган қаҳрамонлар образини яратишимиз керак.



СУРАТДА: Тошкент кинофестивалининг қатнашчилари— ҳиндистонлик актрисалар Виджая ва Рупа.

Экран усталари

ИСТЕЪДОДЛИ САНЪАТКОР

Қирғиз киноси устаси Суйменқул Чўқморовни ўз республикасидан ташқарида ҳам жуда яхши билишади. У «Иссиқкўлнинг алвонлолалари», «Қараш довонидаги отишма», «Улан» ва бошқа фильмларда бош ролларни ижро этган. У Фрунзе яқинидаги унчалик катта бўлмаган тоғ овулида туғилиб ўсди. Болаликдан рассом бўлишни орзу қиларди. Шунинг учун ҳам Ленинграддаги бадиий академияда тахсил кўрди. Кўплаб картиналар яратди.

Бир куни у академия ҳовлисида отнинг суратини чизаётган эди. Бир пайт у сурат чизишни тўхтатиб, отнинг эгарига сакраб миндида, уни елдириб кетди. «Ленфильм» ва «Қирғизфильм» студиялари ҳамкорлигида «Жўра» номли фильмни суратга олиш учун тайёргарлик кўриб юрганган ва асосий ролга актёр ахтараётган иккинчи режиссёр С. Чўқморовнинг бу ҳолатига қизиқиб, уни картинадаги бош ролни ижро этишга маъқул топди. Синов шаклида суратга тушириб кўрди. Ҳаммаси кутгандек яхши бўлса-да, режиссёр бош ролни ҳали профессионал артист бўлмаган С. Чўқморовга топширишга бироз иккиланди.

Аммо кўп ўтмай Фрунзега қайтган С. Чўқморов барибир кинода ўз фаолиятини бошлади. Таниқли кинорежиссёр Булат Шамшиев шундай эслайди: «Мен илгари С. Чўқморовни Фрунзедаги рассомлик музика билим юрти директорининг ўринбосари, истеъдодли рассом, актив жамоатчи ва спортчи сифатида билардим. У билан танишганимдан кейин Суйменқулда ажойиб хислатлар, камтарлик мавжудлигини ҳис этдим. Шунда мен уни ўзим актёр қидириб юрган Бахтигул қиёфасида кўргим келди».

Шундай қилиб С. Чўқморов, Б. Шамшиевнинг «Қараш довонидаги отишма» фильмида бош қаҳрамон — Бахтигул образини яратиб, кино санъаткорлар ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Чўқморов кучли, жасур ва мағрур ўз халқининг ўғли бўлган Бахтигул образини экранда тўлақонли гавдалантирди. Унинг мураккаб характери ва дунёқарашидаги асосий, ҳал қилувчи лаҳзаларни ишонарли очиб беришга муваффақ бўлди.

Режиссёр Тўламуш Океевнинг «Ашаддий» фильми совет киноматографиясида энг эсда қоладиган муҳим воқеалардан бири сифатида тилга олинади. Фильмнинг катта муваффақият қозонишида чўпон Охонгул ролини ижро этган С. Чўқморовнинг хизмати жуда катта. Охонгул образи С. Чўқморов кинода илгари яратган образларнинг бутунлай тескариси. Унинг илгариги яратган қаҳрамонлари одамларга яхшилик қилишга интилган социал тенгсизликка, ёвузликка қарши чиққан образлар сифатида машҳур эди. Революциядан илгариги йиллардаги ҳуқуқсизлик ва очлик, камбағаллик Охонгул характери шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам у тенгсизликка қарши курашда яхшилик учун хизмат қилмасдан ёввойиларча кун кечиришни афзал деб билади ва ўзининг кичик қариндоши Қурмашни шу руҳда тарбиялайди.

Режиссёр ва актёр Т. Океев қирғиз қишлоқларида ичкиликбозликка муккасидан кетган кишиларни кўриб бу ҳақда «Улан» номли фильм яратади. Фильм экранларга чиқарилгач айримлар унинг муаллифларини танқид ҳам қилишади. Лекин режиссёр ва актёрлар уни ўзларига мақтов сўзлари сифатида қабул қилишди. Чунки фильмда кўтарилган муаммонинг аҳамияти, публицистик талқин орқали улар ўзларининг гражданлик бурчларини бажарган эдилар. Ушбу фильмда Озод Майрамов ролини ижро этган С. Чўқморов ўзининг ожизлиги туфайли ҳаётдан, одамлардан, маънавий жиҳатдан ўсишдан орқада қолган одамнинг фожиасини катта маҳорат билан кўрсатишга муваффақ бўлди. Шунинг учун ҳам Чўқморов ушбу роль учун Ереванда ўтказилган Бутуниттифоқ кинофестивалида энг яхши эркаклар ролини ижро этганлик учун тўртинчи мукофотни олишга муваффақ бўлди.

Кўпинча унга хат ёзишиб актёр сифатида роль устида қандай ишлашини сўрашади. Ушбу саволга Чўқморов бир суҳбатда шундай жавоб берган: «Энг аввало актёр ўзида қаҳрамонининг бутун сифатларини чуқур кўра олиши, бу ролга ўзи ҳаётда кўрган ва кузатган, тўплаган тажрибаларидан келиб чиқиб ниманидир қўшиши лозим. Мен ҳозир қирқга кирдим. Шундан ўн йили мобайнида кинода суратга тушаяпман. Бунга қадар эса қишлоқда ўсиб-улғайдим, Ленинградда ўқидим. Шу даврда ижодий изланишлар, қизиқувчанлик, шахсий изтироблар ҳам бўлди. Мен буларнинг ҳаммасини мувофиқ даражада ўзим ўйнаётган образга сингдираман».

С. Чўқморов кинода образлар яратиш билан бирга рассомлик фаолиятини ҳам давом эттираяпти. Яхши асарлар яратаяпти. Албатта у ўз ҳаётини киносизгина эмас, рассомликсиз ҳам тасаввур этолмайди. Унинг рассом сифатидаги фаолияти етук образлар ярата олишига катта кўмак бериши шубҳасиздир. Чўқморов ҳаётидаги унутилмас учрашувлардан бири унинг «Дерсу узала» фильми суратга олинаётганда ҳозирги замон таниқли киноустаси Акира Куросавой билан танишуви бўлди. У билан учрашув шу жиҳатдан қизиқарли эдики япон режиссёрининг ўзи ҳам ажойиб рассом эди. Уни С. Чўқморовнинг иккинчи касби —ранг тасвирда суратлар чизиш маҳорати қизиқтирди. Кинони яратиш пайтларида япон режиссёри С. Чўқморов унинг суратини чизишига розилик билдирди... «Жамила» фильмидаги Дониёр, «Қизил олмалар»даги Темир, «Фавқулодда комиссарда»ги Хўжаев, «Қараш довонидаги отишма»да Бахтигул, «Еттинчи ўқ»даги Мақсудов каби курашчи, революционер, меҳнаткашлар образи...

Яқинда биз С. Чўқморов билан у роль ижро этаётган янги фильм суратга олинаётганда учрашдик. Картина қаҳрамонлари — юксак Тянь-Шан тоғларида иш олиб бораётган монтажчи қурувчилардир. Байрам оқшомида посёлкадаги ҳамма дам олиб хурсандчилик қилиб турган пайтда С. Чўқморов қаҳрамони юксак тоғда кўчки пайтида шикастланган электр линиясини тиклаш учун масъулиятли ишни зиммасига олади. Шунда С. Чўқморов қаҳрамони — монтажчилар бригадаси бошлиги Қосим учун энг ҳаяжонли дақиқалар эди. Чунки севикли хотини Асал туғруқхонада... У дақиқа сайин Асал ҳақида ўйлаб борар, ўзи оғир дақиқаларда, энг ҳал қилувчи фавқулодда қийин ишни бажараётган пайтда ҳам хотинини ўйларди... Шундай қилиб водийда чироқлар ёнади. Эркаклар ўз бурчларининг уддасидан чиқадилар. Бунда албатта уларнинг севикли хотинлари олисда кўнглига бериб турган мадад ҳам катта ёрдам бўлганди.


ОИЛА
ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

• *Яхши фазилатли кишилар*

МЕҲРИ ҚУЁШЛАР

Ҳайрият, дарс тугашига қўнғироқ чалиниб қолди. Йўқса... У ёнидаги ўртоқларига ҳам лом-мим демай, тишини-тишига қўйганча ташқарига отилди. Тоза ҳаводан кўнгли бир оз ёришгандай бўлди. Лекин дам ўтмай яна лохас бўла бошлади. Ҳусанжон аудиторияга қайтиб кириб, дарсни давом эттира олмаслигини сезди. Сезди-ю, жон ҳолатда трамвай йўлидан ўтиб, такси тўхтайдиган томонга қараб юра бошлади. Оғриқнинг зўридан ярим йўлда бирдан тўхтаб қолди ва яқинидаги скамейкалардан бирига беҳол ўтирди

— Ўғлим, нима бўлди, мазанг йўқми дейманов?! — меҳрибончилик билан сўраб-суриштираётган йўловчи унга яқинроқ келди.

Дард яна хуруж қилган чоғи, ғужанак бўлиб олган йигит аранг кўзини очди-да:

— Амакижон, ёрдам беринг, таксида уйимга жўнатиб юборсангиз, — деди илтижо билан.

— Хўп, хўп бўлади, ўғлим. Сен ўзингни қўлга ол, бир пас сабр қилгин, мен ҳозир, — дерди-ю, турган жойидан жилолмасди. Таксига чопса, гўё бемор ўз ҳолига қолиб кетадигандай, беморнинг бошида қолай деса, такси ўтиб кетадигандай гангиб қолди. Буни йигит бошқача тушундими:

— Амаки, йўлга пулим бор, таксини чақира қолинг,— деди уч сўмликни кўрсатиб.

— Вой, боласи тушмагурей, гап пулдами?! Мана ҳозир-да, — деди-ю, катта йўлга қараб шошилди. Аксига олиб бўш такси кўринмасди.

— Укажон, бир холис хизмат чиқиб қолувди, йўқ демагин, савоб бўлади-я, — деди йўловчи амаки болали аёл ўтирган таксини тўхтатаркан, шофёрга илтимос қилиб.

Воқеа тафсилотини эса бир пасда тушунтириб берди. Ҳаммадан ҳам болалик аёл шошиб қолди:

— Мени қўяверинг, укам, сиз бўлмасангиз бошқа таксига ҳам ўтириб кетавераман, лекин у болага— ёрдам қилиш керак. Қани ўзи? — деди уёқ-буёққа ҳавотирланиб қараб қўяркан.

Уччовлашиб бемор бошига келишганда, йигитнинг аҳволи боягидан ҳам оғирроқ эди. Аёл беморнинг пешонасини ушлади, томир уришини эшитган бўлди. Автоматдан стаканда сув олиб келиб, бир-икки қултум ичказди ҳам. Юзидаги реза-реза терларини дамба-дам артиб-суртиб олди... Онасидек яқин, онасидек парвона бу нотаниш аёлга бемор кўзини очиб қараб-қараб қўярди-ю, бироқ бир оғиз раҳмат дейишга мажоли келмасди.

— Йигитчани уйига эмас, тезроқ касалхонага етказишимиз керак, — деди аёл-жигибийрон бўлиб.

«Главташкентстрой» касалхонаси қабулхонасида беморни шошилинч рентген қилишди: ўн икки бармоқли яра хуруж қилганди. У зудлик билан операция столига олинди...

Ҳусанжон хушига келганда эса ярим кеча эди. Хира чироқ шуъласида бошида турган оқ халатли нигорон кўзларни кўрди.

— Қаерликсиз? — оҳистагина сўради улардан бири.

Ҳамширанинг майин ва меҳрибон овози беморга куч бағишлагандай бўлди.

— Тошкент политехника институтининг биринчи курсида ўқийман. Ойимгилар хавотир олишаётгандир... Телефон қилиб қўйсангиз...

Ҳамшира бемор лабини пахта билан ҳўллаб қўйди, устидаги чойшабни янгилади-да, ординаторскийга шошди...

Ҳусанжондан уззукун хавотирда бўлиб, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа елиб-югуриб, телефон қилавериб, сўраб суриштираверибирор хушхабар топмаган безовта хонадон бевақт жиринглаган телефон қўнғироғидан яна оёққа турди.

— Ҳусанжоннинг отасимисиз? — оҳиста ва бамайлихотир овоздан Эркин ака Умаровнинг хаёлида «ҳайрият, болам, ҳаётга ўхшайди» деган умид учқуни ялт этиб ўтди.

— Ҳа-ҳа, отасиман... Тинчликми?

— Тинчлик. Ўғлингиз бизнинг клиникада... Бир оз мазаси қочиб, олиб келишган эди. Ҳозир эса яхши. Хавотир олманглар, эрталаб хабар оларсиз. Мен врач-ассистент Саъдулла Суюмов бўламан... Хайр.

— Раҳмат, минг раҳмат сизга...

Ота-онанинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Клиникага етиб келишганида ўғиллари уларни кўзини очиб, кулиб қарши олганда эса яна бир бахтли, унутилмас дақиқани бошдан кечиргандай бўлишди.

Фарзандлари ғамҳўр одамлар ардоғида: шифокорлар, ҳамширалар, энагалар атрофида парвона. Момиқдек ўрин-кўрпа, иссиқ овқат, сут-қатиқ, керакли дори-дармонлар, ҳамма-ҳаммаси муҳайё. Худди ўз уйидагидек, худди меҳрибон одамлари қуршовидагидек бир гўша эди бунда. Булардан онанинг кўнгли тоғдек қўтарилиб, бу саҳоватли қўлларни ўғил ўстирган, дил-бандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган шу қадоқ кафтлари оғушига олиб миннатдорчилик билдиргиси келарди. Ҳар гал операция қилган хирургнинг болангизни клиникага вақтида етказиб келишди, йўқса... деган сўзлари эсига тушганда эса, ўғлидан халоскорларини сўраб-суриштиргиси келарди-ю, уни гапга тутиб, чарчатиб қўйишдан ва нохуш ўша дамларни эсига солишдан чўчирди.

«Главташкентстрой» касалхонасининг қабулхона дафтарида эса бемор Ҳусанжон Умаровни касалхонага вақтида етказиб келишда жон куйдирган шунча одамдан бир кишинигина исми-шарифи ёзиб қолдирилган эди: Каримов Рихситилла. Пойтахтдаги 6-таксопарк шофери.

— У боягина келиб хабар олиб кетди, — дейишди қабулхона хизматчилари Ҳусанжоннинг онасига. — Смена топширмоқчи экан, шошди... Яна келаман деди. Операция яхши ўтганини эшитиб, ўзида йўқ хурсанд бўлди...

Ҳусанжон Умаров клиниканинг хирургия бўлимида бир ойдан ортиқ даволанди. Дарддан фориғ бўлиб, уйига қайтаётган куни ота-онаси билан бирга бўлимдаги таклиф ва мулоҳазалар дафтарига ўзларининг миннатдорчилик туйғуларини ёзиб қолдиришди. Бунда беморни сидқидилдан даволаган хирурглар С. Суюмов, С. Алимуҳамедов, Р. Фаттоҳов, шифокорлардан В. Губа, Л. Петунина, ҳамшира Т. Креминчинскаянинг номлари бор эди.

Ҳусанжон дард кўрмагандек бўлиб кетди. У ўқишини муваффақият билан давом эттирянти. Яхши биладики, бу кунги чароғон ёшлиги-ю, мунаввар ҳаётида уни ўлим чангалидан қутқариб қолган ажойиб ўша отахон, меҳрибон аёл, умуман совет кишиларининг меҳр қуёши бор.

Дилбар МАҲМУДОВА.

Аввало инсон бўл

АЁЛ МАСЪУЛИЯТИ

Аёлнинг вазифаси — эркакнинг қалб шуурини, ундаги олийжаноб эҳтиросларни алангалатиш, бурч туйғуси ва юксаклик ҳамда буюкликка бўлган интилишини қўллаб-қувватлашдан иборатдир — аёлнинг қисмати шу ва бу қисмат буюк ва муқаддасдир.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

Ғанижон уйга қайтганда соат миллари ўн бирга яқинлашиб қолганди. Эшик қўнғироғининг бежо жиринглашидан Наима унинг яна ичиб келганлигини пайқади. Эшикни очди. Адашмабди. Ғанижон қоғоз пакетни қучганча чайқалиброқ турарди.

— Яна ичдингизми? — деди Наима норози бўлиб.

Ғанижон ичкарига кирди. Қўлидагини хотинига тутқазди. Сўнг пишиллаб туфлисининг боғичларини еча бошлади. Эрининг индамагани Наиманинг баттар жаҳлини қўзғади.

— Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-да...

— Ўлмайсан!— тилга кирди Ғанижон ва қўйин чўнтакларини кавлай бошлади. — Ҳозир манавини кўрасан-у, бирдан яшнаб кетасан... Сенларнинг худойинг мана шу-ю.

У чўнтагидан хийла пул чиқарди. Зарда билан хотинининг қўлига тутқазди.

—Маош олиш ичишга сабаб бўлмайди-ку? —сал юмшанди Наима.

— Барча қатори ичдим, чунки барча қатори яшаяпман-да.

—Яна ўша гапми?

— Бошқа гап бўлиши мумкинми? Барча қатори яшаяпман, вассалом, ўзинг шуни истагандинг... Барча қатори...

«Барча қатори». Бу Наиманинг гапи эди. Бир йил бурун у бу гапни эрига айтарди. Унда вазият бутунлай бошқача эди: эри ҳозиргидек тез-тез ичиб келмас, ўзи эса юрак ҳовучлаб қачон қайтаркин деб, кутиб ўтирмасди. Ҳа, унда Ғанижон бутунлай ўзга табиатдаги йигит эди. Кундузи заводда ишлар, кечқурунлари тўқимачилар институтида ўқир, бўш вақтларида балконга чикиб олиб (балконнинг бир қисми унинг устахонаси эди) соатлаб ўтириб сурат чизарди. Наима учун у ишлаган ҳамма нарса «сурат» эди. Ғанижон эса уларни «пейзаж», «этюд», «натюрморт», яна алланималар деб атарди. Албатта, бунақа сўзларни Наима тушунмасди.

Бир куни нима бўлди-ю, энди тетапоя қила бошлаган қизчаси устахонага кириб қолибди. Ишдан қайтиб, устахонага кирган Ғанижон қизчасини кўтариб, ҳайқириб чиқди... Қизчаси тушмагур кўлига тушган нарса билан бир-икки картина юзини тирнаб ташлаган экан. Наимага эрининг бақириши алам қилиб кетди. «Нима, ўтказиб қўйган жойи борми? Ўқишини ўқисин, ишини ишласин, ёш болага ўхшаб расм чизгунча. Кошки бунинг оилага бирор фойдаси бўлса, қайтанга пулнинг шўри».

Мана шу воқеадан бошландими, ё олдиндан газак олиб келганми, хуллас ўрталарида совуқчилик туғилди. Наима эрини ёш болага ўхшаб (у шундай ўйларди) тинмай сурат чизиши ёқмаслигини рўй-рост юзига солди ва ундан барча одамлар каби рўзғор ташвишлари билан куйманишни талаб қилди.

Энди Ғанижон устахонага киргудек бўлса, Наима қозонни товоққа, товоқни қозонга урадиган ёки қизчасини шартта кийинтириб, эридан уни кўча айлантириб келишини талаб қиладиган қилиқ чиқарди. Икки бор аразлаб онасиникига кетиб ҳам қолди. Бир гал эри анча-мунча бўёқ сотиб олиб келганди, юмма талаб йиғлади...

Эри секин-аста устахонадан узоқлаша бошлади. Бошлаб қўйган ишларини чанг босди. Кўнгли нозик эмасми, хотинининг даккисидан анчагача ўзига келолмай, паришонхотир юрадиган, аввалгидек дам олиш кунлари мольбертини елкасига осиб даладаштларга чиқмайдиган, соатлаб устахонада ўтирмайдиган бўлди. Энди жимгина телевизор кўрар, хотини истаган жойга бирга борарди.

Эри яна устахонада ишлайдиган одат чиқарди, фақат ҳоли қолган кезларида. Бу орада ишхонасида смена мастери даражасига кўтарилди. Аммо эри нотинч эди, негадир, худди уйда ҳаво етишмагандай ҳис этарди ўзини. Мана ҳозир ҳам ичиб келиб «барча қатори» деб ўтирибди.

Наима шуларни ўйлар, ўйлаб ўйига етолмасди. Уни ўртага тушаётган совуқчилик ва эрининг ўзига нисбатан бефарқлашиб бораётганлиги қаттиқ ташвишга солмоқда эди. Оила заволга юз тутмоқда эди. Чунки у аёллик масъулиятини унутиб қўйган эди.

Н. НОРҚОБИЛОВ.

Билиб қўйган яхши

АСАЛ НЕГА ШИРИН?

МИНГ ДАРДГА ДАВО

Битта болари гулдан гулга ўтавериб уясига нуқра томчисидай—атиги 0,05 грамм асал олиб келади. Бир килограмм асал тўплаш учун у 50000 марта гул-уя оралиғида учиб бориб келиши ва 10 миллион дона гулга қўниб, улардан ширин нектар йиғиши лозим. Катта ва қийин меҳнат туфайли вужудга келиши учун асал ширин ҳамда минг бир дардга шифобахшдир.

АСАЛАРИЛАР СИГНАЛИ

Сичқон ва айиқлар асалариларнинг кушандаси ҳисобланади. Биргина асаларининг заҳарли найзаси уларга ҳеч нарса эмас. Аммо асаларилар ҳужум қилса, ҳар қандай душман ҳам тоб беролмай қолади.

Хўш, асалари ўз дўстларини қандай қилиб ёрдамга чақира олади? Югославиялик биологларнинг аниқлашича, асалари ўз заҳари билан бирга банан мойи ҳидини эслатувчи ҳид чиқарар ва бу ҳид сигнал бериш вазифасини бажариб, ўн минут давомида асаларилар галаси огоҳлантирилар экан.

С. ҒАФУРОВ.



Уқитувчи ёш авлодни ҳаётга тайёрловчи мураббий-устоздир. Ҳосила Ғуломова ана шу касбда ўн беш йилдан бери меҳнат қиляпти. У Акмал Икромов районидаги 116-мактабда бошлангич синфларни ўқитади. Моҳир ўқитувчи кўргазмали ўқув қуроллари билан дарсларни жуда қизиқарли олиб боради.

СУРАТДА: Ҳосила Ғуломова.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ОРАСТАЛИК СИРЛАРИ

ЮЗ ТЕРИСИНИ ПАРВАРИШЛАШ

Баъзи кишилар юз териси бўшашган, оқиш, қуруқ, чўзилувчан, ажин тушишига мойил бўлади. Бундай бўшашган терига қуйидагича даво қилинади; тирноқгул ва қайнатилган сувдан тенг миқдорда аралаштирилади, эрталаб юзни ювиш ўрнига шу дамламага шимдирилган пахта билан артилади. Агар тирноқгул топилмаса бир стакан сувга бир чой қошиқ майда туз солиб эритиш ва тайёрланган намакобни пахта ва сочиқ учига шимдириб юз ва бўйинга суртиш керак, кейин юзни бир оз шапатилаш лозим.

Агар тери юпқа, яъни нозик бўлса, туз ўрнида ярим чой қошиқ танинни бир стакан совуқ сувга қўшиб юзга суртилади, юз бир оз шапатиланади, куни билан ювилмайди. Юз кечқурун совуқ сув билан ювилади.

ҚЎЛ ЮВГАНДА

Одатда, қўл тез кир бўлади. Шунингдек, куёш нури, шамол, совуқ ҳаво ва иш таъсирида қўл териси қуришиб ёрилади.

Қўлни доим тоза тутиб, яхши парвариш қилиш керак. Қўлни ювгандан кейин албатта артиб қуритиш лозим, акс ҳолда тери устида қолган сув буғланиб терини қуритади.

Қўлни кир совунда ювмаслик керак, чунки унинг таркибида ишқор кўп бўлади. Ишқор терини қуритиб, ёриб юбориши мумкин. Қўл терисини юмшатиш учун мойли ёки эмульсияли кремлардан (масалан «Рассвет») суртиш мумкин.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

△ Гуручни юваётганда сувга бир-икки ош қошиқда туз қўшилса, у яхши ювилади ва майдаланмайди.

△ Гилос ва олчани саралаб олиб, совуқ сувда ювинг, сўнг сирли идишда беш минутча қайнатиб, озгина шакар ташлаб юборинг. Бу мевали шарбат чанқоқни яхши босади.

△ Ун, гуруч, турли ёрма ва бошқа масалликларга мита каби зараркунандалар тушади. Учадиган қўнгизлар, майда қуртлар, мита ва бошқалардан маҳсулотларни яхши сақлаш учун уларни офтобга ейиш, элаш ва озгина қиздириш керак. Ун ва гуручга мита тушмаслиги учун уларнинг қопига тозаланган 2— 3 палла саримсоқ солиб қўйсангиз кифоя. Лекин мита босиб кетган маҳсулотни сира ҳам овқатга ишлатманг.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. МАДАМИНОВ: Агар паспортдаги ёзувлар ўчиб кетган бўлса, уни қандай қилиб янгилаш мумкин?

Жавоб: СССР гражданларига паспорт одатда маълум муддатга берилади. Паспортнинг ҳақиқийлиги ҳақидаги муддат тугамаган, лекин ундаги ёзувлар ёнғин, тошқин сингари бахтсиз ҳодисалар туфайли ўчиб кетган бўлса, ариза ёзиб ўзингиз яшаётган район ички ишлар бўлими паспорт бўлинмасига боришингиз лозим. Зарур ҳужжатларни тайёрлаганингиздан кейин бўлинма ходимлари паспортингизни янгилаб беришади.

Ғ. ТУРСУНОВ, Б. АЛИЕВ: Олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида таълим олаётган студентлар ёзги каникул даврида иш жойларидан меҳнат отпускаси олишлари мумкинми?

Жавоб: Меҳнат қонунлари Кодексида олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида таълим олаётган студентларга иш жойларидан фақат ёзги каникул пайтида отпуска берилади деб кўрсатилмаган. Уларга меҳнат отпускаси корхона касаба союз комитети томонидан тузилган график асосида берилади.

* * *

Х. САЛИМОВА: Олий ўқув юртида ўқиётган оилали студентларга фарзанд кўрганда нафақа бериладими ёки берилмайдими?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари (шу жумладан партия мактаблари ва касаба союз ҳаракати мактабларининг ўқувчилари ҳам) ва аспирантлар бола туғилиши муносабати билан умумий асосларда нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунинг учун улар олий ўқув юртига ёки аспирантурага киришдан олдин ишчи ёки хизматчи бўлиб ишлаган бўлишлари шарт.

Студент ва аспирантларга бола туғилганлиги учун нафақа тўлаш пайтида иш ҳақи ўрнига стипендия ҳисобга олинади, ўқув юрти ёки аспирантурада ўқиётган вақт нафақа тайинлаш пайтида узлуксиз иш стажига ҳисоб қилинади.

* * *

Қ. МАНАЗАРОВ:, Қ. ЎЛМАСОВ: Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаймиз. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда спортнинг дзюдо тури билан шуғулланмоқчимиз. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишимиз керак?

Жавоб: Сизлар меҳнат қилаётган корхонанинг шундоқ ёнида ҳар жиҳатдан шу кун талабига жавоб берадиган «Текстильшчик» спорт клуби мавжуд. Клубда спортнинг барча турлари қатори дзюдо секцияси ҳам ишлаб турибди. Машғулотларни кўп йиллик тажрибага эга бўлган спорт мастерлари, малакади мутахассислар олиб боришади. Сизлар ҳам секцияга ёзилиб, дзюдо сирларини ўрганишларингиз мумкин.

Т. ИМОМОВ, А. СУЛТОНОВ ва бошқалар: Испанияда бўладиган футбол бўйича жаҳон биринчилигининг финал учрашувлари телевидение орқали олиб кўрсатиладими?

Жавоб: Испанияда бўладиган футбол бўйича Жаҳон биринчилиги учрашувлари жуда кўп мамлакатларга, шу жумладан СССРга ҳам телевидение орқали кўрсатилади. Мамлакатимиздаги футбол мухлислари терма командамиз иштирок этган барча учрашувларини, шунингдек ярим финал ва финал учрашувларини тўла томоша қиладилар.

Жаҳон биринчилигини ўтказиш ташкилий комитетининг дастлабки маълумотларига қараганда ўтказилган 52 учрашувни 15 миллиард киши томоша қилади.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

М. Қорнёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1, 2 ИЮНЬ СОАТ 19.30да

М. ҚОРНЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ОЛМАХОН ХАЙИТОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ

Солистлар: Гулчехра ИСМОИЛОВА, Муножот ЙЎЛЧИЕВА, Тоштемир ТОҲИРОВ, Султонмурод САМАНДАРОВ, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Малика ШАРИПОВА, Латофат ПУЛАТХЎЖАЕВА, Гулнора ОДИЛОВА, Гўзал БАРАТОВА.

Сатира, юмор ва интермедия ижрочиси АБДУФАТТОҲ САИДОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Оригинал жанрда САТТОР ИСЛОМОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом Тожиаълоев олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — Олмахон ХАЙИТОВА.

Музика раҳбари — Шавкат МИРЗАЕВ.

Касса соат 14.00дан ишлайди.

Граждан авиациясининг 243-заводи ҳузуридаги 121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йили учун нигит ва қизларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф маълумотидагилар учун ўқиш муддати — 3 йил; 10-синф маълумотидагилар учун уқиш муддати — 1 йил.

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқаради: учиш аппаратларини йиғувчи-клепальшчик, учиш аппаратларини йиғувчи-слесарь, авиадвигателларни йиғувчи-слесарь, учиш аппаратларининг асбоб-ускуналари бўйича электр монтажчи, механика-йиғув ишлари слесари, токарь, электр пайвандчи.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ, 8, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар Граждан авиациясининг 243-авиаремонт заводида ва Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг бўлинмаларида ҳамда шаҳарнинг бошқа корхоналарида ишлайдилар.

Завод ишчилари отпуска вақтида самолётларда учиш учун имтиёзли билетлар ва Граждан авиацияси ходимлари учун жорий этилган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

Уч йил муддатли таълим группаси талабалари ўқиш даврида тўла давлат таъминотида бўладилар ва Граждан авиацияси кийим-бош формаси билан таъминланадилар.

Бир йил муддатли таълим группаси ўқувчилари эса 68 сўмдан 80 сўмгача стипендия оладилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар институтларга, Граждан авиацияси техникумларига ўқишга юбориладилар.

Билим юртига ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, саломатлиги ҳақида справка (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см.), ўқиш жойидан характеристика.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Граждан авиациясининг авиасозлар шаҳарчаси (25, 66, 61, 39-автобусларнинг «Авиасозлар шаҳарчаси», 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекати). Телефонлар: 91-20-33, 99-96-03, ички телефон 6-46.

УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

«ТАШХОЗТОРГ»НИНГ 1 МАГАЗИНИДА

27 —29 МАЙ КУНЛАРИ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН СИРЛАНГАН ИДИШЛАРНИНГ

САВДО - КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ



Савдо-кўргазмасидан Сиз челак, тос, тоғорача, тарелка, кастюрль, литрли кружкаларни сотиб олишингиз мумкин.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 49-уй (1, 8, 17-троллейбуслар, 8, 9, 5, 24-трамвайларнинг «Полторацкий кўчаси» бекати).

Магазин соат 10.00дан 19.00гача (13.30дан 14.30 гача танаффус).

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ТАШХОЗТОРГ».

Ўзбекистон реклама агентлиги.

1—ТРАМВАЙ ДЕПОСИ

трамвай ҳайдовчиларни тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ҲАР ОЙДА 70 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Трамвай ҳайдовчилари 50 процент ҳақини тўлаб (3 ой ичида) иш кийимини оладилар.

Ўқувчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Депо қошида ёшлар учун ётоқхона, болалар боғчаси, ясли, дам олиш зонаси мавжуд.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 105-алоқа бўлими, Гайдар кўчаси, 50-уй (1-трамвайнинг «Депо» бекати).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/Vда Келинлар қўзғолони (15.00), Гурунг (19.30), 29/Vда Ҳар тўкисда бир айб, 30/Vда Келинлар қўзғолони. (12.00), Ҳар тўкисда бир айб (19.30).

КИНО

23 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИЗИЛ ЭШЕЛОН» — С. Раҳимов номли.

«СИЗНИ НЕПТУН КУТЯПТИ» — Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — Тинчлик (12.30, 15.30, 18.30 21.00, телефон 53-86-07).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — Искра» (16, 18, 20.00, телефон 39-11-76).

29 МАЙ

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИЗИЛ ЭШЕЛОН» — С. Раҳимов номли.

«ЯНГИ ҚИРҒОҚЛАР» — Кўнча.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — Тинчлик (12.30, 15.30, 18.30, 21.00, телефон 53-86-07).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — Искра (16, 18, 20.00, телефон (39-11-76).

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 85-ўрта мактаб томонидан З. Э. Эрматова номига берилган 015153 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 76-ўрта мактаб томонидан Абдуллаев Латипжон Азимович номига берилган 074544 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКУМИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқитувчилар: совет граждани ва меҳнат ҳуқуқи асослари, бухгалтерия ҳисоби назарияси, саноат статистикаси, тармоқлар технологияси, тармоқларда бухгалтерия ҳисоби, ревизия ва контроль.

КОНКУРС МУДДАТИ — 15 ИЮНГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700102, Сергели, 10-квартал, 63-«а»-уй. Телефон 53-88-85.

ХОЛОДИЛЬНИКЛАР ҲАР БИР ХОНАДОНГА

АГАР УЙИНГИЗДА ХОЛОДИЛЬНИК БЎЛСА ОЗИҚ-ОВҚАТЛАРНИНГ БУЗИЛИБ ҚОЛИШИ ҲАҚИДА АСЛО ТАШВИШ ҚИЛМАЙСИЗ



ХОЛОДИЛЬНИК —бу олдиндан ғамлаб қўйилган озиқ-овқат. Сут маҳсулотлари, янги сабзавотлар, мевалар, ошкўклар шулар жумласидан.

ХОЛОДИЛЬНИК — бу совитилган минераль сув, лимонад, пиво, уй шароитида тайёрланган шампань виноси, коктейлни салқинлатадиган хонаки муздир.

Холодильник — бу кўпгина нарса сиғадиган қулай ошхона шкафи ҳамдир. Унда барча маҳсулотларнинг ўз ўрни бор.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН

ХОЛОДИЛЬНИКЛАР СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

«ПАМИР—5» холодильниги кичик оилаларга жуда мос бўлиб, кичик ҳажмли квартираларга бемалол жойлашади. Холодильник пастак шкаф шаклида ишланган. Кенг совитиш камераси (240 дм³), паст ҳароратли бўлма (-12°) озиқ-овқатларнинг 4 ҳафта бузилмай сақланишини таъминлайди. «ПАМИР—5» холодильнигининг бошқа холодильниклардан асосий фарқи —унинг ярим автомат муз эритиш системаси борлигидадир. Эриган сув холодильникнинг тагида жойлашган махсус идишга оқиб тушади.

«ПАМИР—5» бошқа холодильниклардан ички безаклари билан фарқ қилади. Ички шкафнинг янги яхшиланган конструкцияси ва қўшимча мосламалар жавонларнинг баландлигини заруратга кўра ўзгартириш имконини беради. Холодильникнинг эшиги магнит ёрдамида зич ёпилади.

Холодильникнинг қисқача техник характеристикаси:
совитиш камерасининг умумий ҳажми — 240 дм³;
паст ҳароратли бўлманинг ҳарорати — 12;
Ҳажми — 1450 х 570 х 600 мм;
Ҳарорат цельсий бўйича 32 бўлганда бир суткалик электр энергия сарфи — 1,6 киловатт соат.

Баҳоси — 345 сўм.

«ПАМИР—5» Душанба холодильниклар заводининг маҳсулоти.

Завод холодильникнинг магазинда сотилган кунидан бошлаб 3 йил давомида бенуқсон ишлашига кафолот беради.

«СНЕЖИНКА» ХОЛОДИЛЬНИГИ — САМАРҚАНД ХОЛОДИЛЬНИКЛАР ЗАВОДИНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ.

«СНЕЖИНКА»нинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: холодильник ошхонада кўп жой эгалламайди, ярим автомат муз эритиш системасига эга, юксак даражада изоляция қилинган, кучли агрегати паст ҳароратли бўлма тўсиғининг янги элементлари бор.

Музлатиш камерасидаги ҳарорат — 12°. Бундай ҳароратда озиқ-овқатларни бир ой сақлаш мумкин. Шунда ҳам улар ўз таъми ва тўйимлилик хусусиятларини йўқотмайди. Холодильник сабзавот ва мевалар сақланадиган махсус идиш билан жиҳозланган.

Холодильникнинг қисқача техник характеристикаси;
совитиш камерасининг умумий ҳажми —240 дм³;
ҳажми — 1435 х 570 х 600 мм;
вазни — 67 кг;
бир суткалик электр энергия сарфи— 1,7 киловатт/соат.

Баҳоси 345 сўм. Кафолати 3 йил.

«ТАШХОЗТОРГ» магазинларининг адресини маълум қиламиз:

1 — Пролетар кўчаси, 49-уй.
3 — Истиқбол кўчаси, 1-уй.
4 — Фарҳод кўчаси, 17-уй.
5-«Техника — рўзғорда» — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, Марказ — 14, 24-уй.
6 — Энгельс кўчаси, 94-уй.
7 —Госпиталь бозори.
8 — Черданцев кўчаси, 22-уй.
9 — Строительная кўчаси, 1уй.
10/1 — Фарҳод ярмаркаси.
11 — Энгельс кўчаси, 46-уй.
13 — Сергели савдо маркази.
16 — Морозов кўчаси, 25-уй.
17 — Сергели (бозор ичида).
19 — Уста Ширин кўчаси, 133-уй.
22-«1000 та майда-чуйда» —Муқимий кўчаси, 4-уй.
29 — Волгоград кўчаси, 14-уй.
26 — Паркент бозори.
30 — Навоий кўчаси, янги шаҳар ярмаркаси.
31 — Боткин кўчаси, 7-уй.
35 — Октябрь бозори.

«ТАШХОЗТОРГ».

Ўзбекистон реклама агентлиги.

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 1982—83 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

учиш аппаратларини йиғувчи-слесарь, асбобсоз-слесарь, механик йиғувчи-слесарь, слесарь-электр монтажчи, токарь, фрезерчи (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), дурадгор, слесарь-сантехник, газ пайвандчи.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЯШОВЧИ 8 — 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга эгаллаган касбига мувофиқ равишда диплом берилади.

Ўқувчиларга ўқиш даврида 65 сўм ҳажмида стипендия берилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини битиргач уларга ўрта маълумот ва эгаллаган касбига мувофиқ диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг маълум қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлаганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттиришни хоҳловчилар учун бирлашма ҳузурида политехника институти самолётсозлик факультети ва авиация техникумининг кечки бўлимлари мавжуд.

Билим юрти спорт базасига эга; авиамоделизм, фото-киностудияси, бадиий сўз тўгараклари; вокаль-чолғу ансамбли, миллий чолғу асбоблари ансамбли ишлаб турибди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бунёд этилган.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ариза, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг ишлаётган еридан справкалар, 8 та фотосурат (3х4 см. ва 4х5 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 48-автобусларнинг «Валихонов кўчаси» бекати). Телефон 96-58-20.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИГА

бош механик, бош бухгалтер, катта бухгалтерлар, бухгалтерлар, молиявий ишлар бўйича иқтисодчи, техник инспекторлар, катта прораблар, прораблар, мастерлар, таъминот бўлимининг бошлиғи, катта товаршунос, таълимот бўйича агент, техниклар, агрегатлар ремонти бўйича слесарлар, автокран ҳайдовчилари, слесарь-мотористлар, шеф-монтаж летучка вагонларининг проводникларини;

Урта Осиё, Урал ва Қозоғистон районларида темир йўллар қурилишига ва темир йўлларни электрлаштиришга:

ВПО-3000 бошлиқлари, ВПО-300 тўғрилаш-мустаҳкамлаш-пардозлаш машиналарининг машинистлари, ВПР ва ВПРС — машиналарига инженер-технолог, ВПР ва ВПРС машиналари, дам олиш учун мўлжалланган классли вагонларнинг проводниклари, контакт тармоғи таянч устунлари учун зовур қазиндиган ДГКУ дрезинаси базасидаги зовур қазувчи қурилманинг машинистлари ва машинист ердамчилари, УК—25 пўлат из ётқизувчи кранларнинг машинистлари: электробалластер машинистлари, электр слесарлар, электр пайвандчилар.

Бошқарма ходимлари 11 ой ишлаганларидан кейин ўзига ва қарамоғидаги бир кишига бепул темир йўл билети берилади. Меҳнат ҳақи-мавсумий-мукофотли ва ишбай-мукофотли. Йўл ходимларига турар жой умумин асосларда навбати билан машиналар ишлаётган ерда берилади. Ишнинг кўчма характерга эга бўлганлиги учун тариф ставкасининг 50 проценти миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пунктга ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга.

СПРАВКА ВА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Г. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти — 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

27 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 Шахмат мактаби. Бошловчилар учун. 18.35 «Миллионлар ленинча университети». 19.05 «Мартишкага салом». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.15 «Нон таъми». Кўп серияли бадиий фильм. 4-фильм. «Ватан нони». 21.30 «Время». 22.05 Спорт гимнастикаси бўйича СССР кубоги. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 «Ажойиботлар ери». Қозоғистон табиати ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Деярли рўйи-рост воқеа». Мультфильм. 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ватаним менинг тақдиримда». Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Бухоро гўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Б. Истамова ҳақида телеочерк. 19.00 «Суратга олиш майдонидан репортаж». Кинорежиссёр К. Ерматов ҳақида ҳужжатли фильм. 19.20 СССР прокуратурасининг 60 йиллигига. Республика прокурори Н. Б. Бўрихўжаев сўзи (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ватаним бўёқлари». Рассом Рўзи Чориев. 20.20 «Пилла — бойлигимиз». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақс гулшанида». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Эргашева рақсга тушади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Озод Ватанимиз, ортсин шон-шуҳратинг!». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Эстония телевидениесининг программаси. Кўрсатув тугагач— Янгиликлар.

28 МАЙ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси Чегарачилар куни

9.00 «Время». 9.40 «Кучлилар, довюраклар, эпчиллар». 10.25 «Нон таъми». Кўп серияли бадиий фильм. 4-фильм. «Ватан нони». 11.40 И. Гайдн. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт. 12.00 «Олимлар — қишлоққа». Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Чегарачилар кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Дарё орти чегара» (Олмаота). «Чегарадаги диалоглар». («Укртелефильм»). «Контроль полоса ёқасида» («Владивосток»). «Танҳо сукунат билан» (Боку). 16.35 Концерт. 17.00 «Подмосковье учрашувлари».

17.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қайсарлар байрами». Бадиий фильм (Венгрия). 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ешлар ижоди». 19.45 Чегарачилар кунига. СССР Давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинлари штабининг бошлиғи, генерал-лейтенант Ю. А. Нешумов сўзи. 20.00 Концерт. 20.30 Киевнинг 1500 йиллигига. «Киев ҳақида сўз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.15 Чегарачилар кунига бағишланган концерт. Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади. 23.50 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 Чегарачилар ҳақида телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Чегарада кунлар ва тунлар» (Рига). «Чегара ёнма-ён» (Ашхобод). «Салом, Катя» (Фрунзе). 19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 РСФСР халқ артисти Н. Охотников куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 21.00 Марказий телевидение соврини учун спорт мўлжали бўйича 13-анъанавий мусобақа. 21.30 «Время». 22.15 «Бир йилнинг тўққиз куни». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун. «Уйлаб топ?» (такрорий). 12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 12.30 «Йўлбарс». Бадиий фильм. 13.45 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тугилган кун». Мультфильм. 18.20 «Партия турмуши». «Ишлаб чиқариш бирлашмаси шароитида партиявий иш». 18.50 «Қизилқумда баҳор». Телефильм. 19.00 «Бугун — Чегарачилар куни». «Чегарада осойишталик». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Д. Жабборова ва О. Орифжонов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Дунё воқеалари». 22.45 «Уч қитъа экрани». Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти коллективи институт илмий ходими Ф. Аҳметбоевага онаси

Адолат РАҲМОНБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

8 бет. ТОШКЕНТ ОКШОМИ

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар; партия гурмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар —33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

27 МАЙ, 1982 й. Р—07243. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691. 6